



## ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифи бўлиб 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифининг иккинчи куни «Раштрапати Бхаван» саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарофига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат махфиялари янгради. Давлатимиз раҳбари фахрий қоровул сафи олди-дан ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мамлакатимиз ва Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Президенти ва Бош вазирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш анъаналар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини таъкидлади.

Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг қудратли давлат ва иқтисодий ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор ҳисобланади.

Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз. Ишончим комилки, ушбу ташриф ва самарали музокара-ларимиз мамлакатларимиз стратегик шериклигини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги «Раж Гхат» ёдгорлигига ташриф буюриб, ҳинд халқининг миллий қаҳрамони Махатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг буюк раҳнамоси, «гандичилик» ғоясининг асосчиси-дир. У ўз ватанининг миллий истиқлоли учун курашган ва Ҳиндистонда мустамлакачиликка чек қўйган инсон сифатида қадрланади. Махатма Ганди туғилган кун — 2 октябрь миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси унинг мамлаката ва халқи олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ҳайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, ўзбек ва ҳинд халқларини тарихий ва маданий муштараклик боғлаб туради, стратегик шериклигини ривожлантириш ва қўллаб-йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва ШҲТ доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний айланishi, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа минтақавий ва глобал таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда икки томонлама ва қўл томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада

ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирди.

Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатларининг асосий йўналишларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориж капитали эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорағида Ҳиндистон сармояси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимизда фаоллиги ошаётганидан далolatдир.

Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Музокарада савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

Бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янги суръат бахш этиши таъкидланди. Бунда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокарада якунида имзоланган ҳужжатларни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Ҳиндистон мулоқоти якунида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотини тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шериклиқни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида Эркин

фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазирини.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилдли асарлар тўпламини совға қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Сушма Сваражни қабул қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг интилиши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифига тайёргарлик кўришда Свараж хонимнинг хизматлари катта эканини қайд этар экан, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорлиқни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венка Найдунни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари «Раштрапати Бхаван» саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасида давлат ташрифи ниятисига етди. Ушбу ташриф, унда эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариши муқаррар.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА махсус мухбири  
Тошкент — Нью-Дехли — Тошкент.

ЎЗДП ташаббуси билан



## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

инсонлар ҳаётида акс этиши керак

2

Сир эмас, аҳолимиз айрим касалликларни даволаш учун ва мураккаб операцияларга эҳтиёж сабаб чет эл клиникаларига муурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Бу вазиятни инobatдан олган ҳолда мамлакатимизга ҳиндистонлик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш амалиёти йўлга қўйлаётгани яхши самара бермоқда.

## МАМЛАКАТИМИЗДА ҲИНДИСТОНДАГИ ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАР ФИЛИАЛЛАРИ ОЧИЛАДИ

Ҳиндистонда тиббиёт туризми яхши ривожланган. Ҳар йили дунёнинг турли давлатларидан қўллаб инсонлар дардига даво топиш илнжидида ушбу мамлакатга боради. Малакали мутахассислар уларни даволашнинг уddасидан чиқмоқда.

Ҳиндистондаги «Medanta» клиникаси хорижда ҳам маълум ва машҳур. Бу ерда травматология, кардиология, онкология сингари касалликлар даволанади. Клиникада юрак жарроҳлиги, турли аъзолар трансплантацияси ўтказилади. Бош мия жарроҳлигида эса илғор инновацион усуллар қўлланилади. АҚШ ва Сингапурда ҳам филиалига эга клиникага ҳар йили минглаб бемор муурожаат қилади. Улар орасида юртдошларимиз ҳам бор.

Мазкур клиниканинг илғор ютуқлари ва юртдошларимизнинг талаб ва эҳтиёжини инobatдан олган ҳолда унинг Ўзбекистонда филиалини очиб режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра, вазирлик ва клиника раҳбарияти ўртасида бўлган учрашувда бу ҳақда келишиб олинди.

Учрашувда «Medanta» клиникаси раҳбари Нареш Трехан Ўзбекистондаги филиал Ҳиндистондагидан қолишмаган ҳолда энг замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозланишини, бу ерда малакали шифокорлар ишлашини алоҳида таъкидлади.

Янги лойиҳага 15 миллион АҚШ

доллари миқдорида инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилган.

Нареш Трехан фикрича, ўзбекистонлик шифокорлар, хусусан, жарроҳлар, кардиологларнинг билими ва малакаси юқори, лекин уларнинг замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш қўниқмасини янада ошириш зарур. Шу боис, филиал ишга тушган дастлабки ойлarda маҳаллий мутахассислар ҳиндистонлик ҳамкасбларидан бу борада ўзаро тажриба алмашади.

Ўзбекистонда мазкур клиниканинг очилиши ҳамюртларимизни узоқ йўл босиб Ҳиндистонга боришдан озод қилади, ўз навбатида, бу ерда қўшни давлат фуқаролари ҳам даволаниш имконига эга бўлади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигининг яна бир самараси «Pratiksha hospital Group» клиникасининг юртимизда фаолият бошлашга қизиқиш билдираётганида намоён бўлади.

Мазкур лойиҳага инвесторларнинг 10 миллион доллардан ортиқ маблағи сарфланиши кутилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичда йўлга қўйилиши ва бу борадаги ишлар самарадорлигининг ошиши, аввало, халқимиз соғлиқини сақлашга, халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориж капитали эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорағида Ҳиндистон сармояси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимизда фаоллиги ошаётганидан далolatдир.

Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

ОБУНА — 2019

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА  
ИНДЕКСИ 220

# ПАХТАКОРЛАРГА ИЖОДКОРЛАР МАДАДКОР БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши қошида «Хорманг, пахтакорлар» тарғибот гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Унга «Ўзбекистон овози» газетасининг Наманган вилоят бўйича мухбири, таниқли шоир Носиржон Дехқонов раҳбарлик қилмоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 3058 фермер хўжалигининг қай бирига борманг, йиғим-терим ишлари авжида. 65650 гектар майдонда қўтилганидан зиёд ҳосил етиштирилди. 194400 тонналик вилоят хирмонини ёғин-сочинга қолдирмай саранжомлаб олиш ниятида барча чора-тадбирлар қўрилган. Вилотимизда катта қарвон ҳисобланган Поп, Мингбулоқ, Наманган, Учқўрғон, Уйчи туманларида йиллик режани урғунлашган фермер хўжаликлари сони кун сайин ортиб бормоқда.

Поп туманидаги «Урай» ҳамда «Шавакат-Шуҳрат-Келажак» фермер хўжаликларида ўтказилган тарғибот тадбири теримда иштирок этаётган фермер хўжаликлари аъзолари-ю маҳаллалардан келган ҳашарчиларга ҳордиқ улашиб, кўтаринки кайфият бағишлади.

— Хўжаликларда пахта йиғим-терими мавсумига астойдил ҳозирлик қўрилганидан миннатдоримиз, — дейди **Тенақурғон МФЙ мутахассиси Гўзал Парпиева**. — Ҳашарчилар учун зарур шароитлар яратилгани терим суръати ва сифатини оширишга асос бўлмоқда. Маҳалламиздан 1060 нафар банд бўлган аҳоли вакиллари теримга жалб этилди. Ўйлайманки, хирмонга муносиб ҳисса қўшамиз.

Шу кунги поплик шоирлар Салимжон Назиров, Мўйдинжон Маткаримовлар иштирокида фермер хўжалиги дала шийпонидида тадбир ўтказилди. ЎзХДП вилоят кенгаши мафкура бўлими мудири Мўътабар Қозиева, Наманган шаҳар кенгаши ижро-

чи котиби Дилноза Ўринбоеванинг фикр-мулоҳазалари шоирлар мушоирасига айланди. Қўнига 200-250 килодан пахта териб, ўрнак кўрсатаётган Фарида Якубохнова, Холида Пўлатова, Зарифа Раҳматуллаева, Чарос Курбонова сингари ҳашарчиларга вилоят партия кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мингбулоқ туманидаги «Бахтиёр Мамасолиев» фермер хўжалигида пахта тераётганлар ҳузурида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Дилором Абдурахимова ҳам иштирок этиб, Президентимизнинг Тожикистонга ҳамда Хиндистонга расмий ташрифи ва унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Уйчиликларни ҳам қўли-қўлига тегмади. Улар жорий йил 20862 тонналик пахта хирмони бунёд этишга аҳд қилишган. 245 терим отрядига бўлинган 248 пахтачилик фермер хўжалиги далаларида иш қизғин. Шу кунгача 11000 тоннадан зиёд оқ олтин йиғиб олинди. Бу йиллик режанинг 55 фоизини ташкил этади. 6269 гектар ердаги пахтанинг 60 фоизиди биринчи терим ҳосили турибди.

Илғор теримчиларга «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятидан махсус юборилган китоблар, вилоят, туман партия кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди.



ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзоси Равшан Абдуллаев, ижодкорлар Дилбар Бону, Малика Бойхонова билан туманининг «Бирлашган-Дехқонбод» ММТП худудидаги пахта ва галла уруғчилигига ихтисослаштирилган «Бахтиёр» кўп тармоқли фермер хўжалигида бўлди.

Шерзод Мадраҳимов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги тасарруфидида жами 84,5 гектар экин ери мавжуд. Жорий йилда 36,4 гектарда бугдой ун-

дириб, ҳар гектаридан 42 центнердан 153 тонна қаҳрабо дон етиштиришга муваффақ бўлган. Хўжаликда 21 яшикда асалари парваришланади. 30 сотихли иссиқхонада етиштирилаётган лимон, мандарин, апельсин қўчалари баравж. Лимон меvasидан ҳам даромад олина бошлаганига 3 йил бўлди.

Биз фермер хўжалиги дала шийпонига борганимизда, туман ҳокими Мухаммадаббон Апақов, 8-отряд раҳбари Абдуғафур Ортиқов ҳам шу ерда экан. Улар билан бирга шийпонинг ўнг томонидаги пайкалда пахта тераётган ҳашарчилар томон бордик. 220 нафар теримчи-ҳашарчи пахталарини тарозидан ўтказиш учун ошқарди. Улар билан «Хорма, бор бўл»дан кейинқо шийпонгача суҳбатлашиб келдик.

— «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятидан китоблар, вилоят кенгашидан совға-саломлар

билан ижодкор тарғиботчилар келишибди. Бугунги тушлик шеърхонлик билан янада гаштли кечадиган бўлди, — деди туман ҳокими.

Ҳокимнинг бу хабари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. «Бог» маҳалласидан келиб ҳашарда қатнашаётган Махлиё Абдулазизова «Мен ҳам шеърлар машқ қилиб тураман, майлими, Ватан қаҳидаги бир шеъримни ўқиб берсам», деди.

Шийпонда мушоира бошланди. Илғор теримчиларга «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятидан махсус юборилган китоблар, вилоят, туман партия кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди.

Тушлик соатларида олиб борилаётган тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

Носиржон АББОС

## МУНОСАБАТ

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ОБРЎСИ ЮКСАЛМОҚДА



Баҳромжон  
ОБИДЖОНОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП  
фракцияси аъзоси:

— Бугун қаерда бўлмасин, катта-кичик йиғинларда ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гап бормоқда. Ўқитувчилар даврасида эса бу ислохотлар ҳаяжон ва фахр-ифтихор билан эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат ўқитувчи ва мураббийларга ҳеч қачон ҳозиргидек кенг қамровли эътибор кўрсатилмаган эди.

Президентимизнинг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди шу пайтгача муаммо бўлиб келган кўп масалаларга ечим топилди, ўқитувчи ва мураббийларга катта имтиёзлар яратилди.

Бу мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан камол топтиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шақллари ва усулларини қўллашга хизмат қилади.

Биз жойларда ўқитувчи ва мураббийлар билан бўлаётган суҳбатларда уларнинг бугунги ислохотлардан, эътибор ва рағбатдан кескиз мамнун эканликларига гувоҳ бўляпмиз. Дарҳақиқат, ўқитувчи мажбурий ишларга, талбирларга жалб этилмаса, албатта, у ўзининг кундалик вазифаси билан шуғулланади, изланади, замонавий билимларни ўзлаштириб, ўқувчига пухта билим бера олади. Натижада ўқувчининг билим сифати кўтарилди, халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиблари сони ортди.

Давлатимиз раҳбари кунги кеча соҳа ходимларига йўллаган табригиди ҳам бугунги ислохотлар, ўқитувчилар учун яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёзларнинг замирида аввало, уларнинг қадри ва нуфузини ошириш, жамиятдаги обрўсини мустаҳкамлаш, энг муҳими, ёшларга пухта таълим-тарбия бериш учун қилинаётганини таъкидлади.

Қай этилдики, мазкур фармонда халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим масканлари тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилган. «Замонавий мактаб» давлат дастурини тайёрлаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга нафақаларини тўлиқ миқдорда тўлаш белгиланган.

Ўқитувчи ва мураббийларни хурсанд қилган яна бир муҳим масала — бу бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошларини тенглаштирилгани бўлди. Янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақси миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, педагог ходимларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Умуман олганда, бугун чинакам ишлайдиган замон келди. Қачон инсон бор меҳри ва қалб-қўрини касбига бағишлайди? Қачонки, оиласи тинч ва эҳтиёжлари таъминланган бўлса, хотиржам ишлайди, изланади.

Бу ҳаётбахш ислохотлар ўқитувчиларнинг макъсини кўтариш, қадрини юксалтириш билан бирга, уларга катта масъулият ҳам юклайди. Бундай эътиборга жавобан фидойилик билан меҳнат қилиш, тинимсиз изланиш, жаҳон таърибасини ўзлаштириш ва ёшларга пухта, замонавий билим бериш талаб этилади.

## ЎЗХДП ТАШАББУСИ БИЛАН



## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ инсонлар ҳаётида акс этиши керак

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Зангиота туманида «Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида форум ўтказди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент вилоят партия кенгаши фаоллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ходимлари, мутахассис илора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида тумандаги «Мевазор», «Гулзор», «Богзор» маҳаллалар аҳолиси учун тиббий-ижтимоий акция ўтказилди. Унда оналар ва уларнинг фарзандлари вилоятнинг маънавий шифокорлари томонидан бепул тиббий кўриклан ўтказилди.

— Аҳоли билан мулоқот қилиш мобайнида ҳамон ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борлигига гувоҳ бўляпмиз, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова**. — Хусусан, форумни ташкил этишдан олдин ҳам биз мазкур ҳудудда бўлдик. Маҳаллада истиқомат

қилаётган опа-сингилларимизнинг турмуш шароити, ҳаёт тарзи ҳамда қизиқишларини ўргандик. Уларнинг кўпчилиги бугунги ислохотлардан рози экани, ҳар би янгиликдан, ўзгаришлардан борабаб бўлиб туришини билдирди. Аёллар «Обод қишлоқ» дастури асосида маҳаллада амалга оширилаётган ишлардан мамнудлигини айтишди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида эҳтиёжманд хотин-қизларга ўз иштини бошлашида имтиёзли кредит олиш тартиби, бизнес режа тузиш борасида йўл-йўриқлар кўрсатилди. Бугун улардан бирга тикув машинаси совға қилишни режалаштирганимиз.

Баъзи опа-сингилларимиз ўз дардини била туриб безътиборлик қилгани, бунинг оқибатида касаллик зўрайганини айтишди. Демак, ҳудудларда касалликни вақтида аниқлаш мақсадида тарғибот, тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Бизни тинглаб турган маҳалла раиси **Ҳабиба Бакирова** маҳаллада «Обод қишлоқ» дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўлқинлар билдириди.

— Рост, барчамиз маҳалламизда амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишларидан мамнудимиз, — деди у. — Ҳудудимизда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2,5 мингдан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Тўғри, маҳалламизда ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар бор. Масалан, тоза ичимлик суви қувурлари эскирган, аҳоли етарли даражада газ билан таъминланмаганди. Аммо буларнинг бари «Обод

қишлоқ» дастури доирасида ўз ечимини топмоқда. Замонавий маҳалла маркази қуриб, фойдаланишга топширилиши арафасида, мактабимиз ҳам қайта таъмирланди.

Биласизми, маҳалламизда шу вақтга қадар болалар боғчаси йўқ эди. Айримлар фарзандларини туман марказидаги мактабгача таълим муассасаларига олиб борар, бунга имкони етмаганлар уйда ўзлари қарашарди. Натижада кўпгина хотин-қизларда ишлаш имкони бўлмасди. 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси буноси лойиҳаси тасдиқланиб, бугун унинг пойдевори қўйилди. Муассаса қурилиши билан маҳалламиз аёлларининг ҳам бандлиги таъминланади. Қисқа қилиб айтганда, аҳоли бугунги кунидан, амалга оширилаётган ислохотлардан рози. Муҳими, улар бунга ўз ҳаёти мисолида ҳис этмоқда.

— Асосийси, аёлларимиз оиласига, жамиятимизга наф келтириш иштиғи билан ёнмоқда, — деди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова**. — Биз уларга яқиндан кўмак бериб, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишимиз зарур. Иш бошлаш ниятидаги хотин-қизларга йўл-йўриқ кўрсатиш, касаначилик, оилавий бизнесга жалб қилиш ҳам яхши самара беради, деб ўйлайман.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Қачон одамнинг фарзандларига, оиласига, жамиятга кўпроқ нафи тегадими? Қачонки, соғлом бўлса. Бунинг учун вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриш, ўз соғлиғи ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш лозим. Бу борада бугунгидек талбирларнинг аҳамияти катта. Тиббий кўрикка жалб этилган шифокорлар билан бирма-бир суҳбатлашдим. Баъзи опа-сингилларимиз ўз дардини била туриб безътиборлик қилгани, бунинг оқибатида касаллик зўрайганини айтишди. Демак, ҳудудларда касалликни вақтида аниқлаш мақсадида тарғибот, тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Шу кунги 203 нафар аёлларимиз мутахассис шифокорлар кўригидан ўтказилди. Бир аёлда саратон касаллигининг дастлабки аломатлари аниқланди ва тегishли

тавсиялар берилди. 8 нафар хотин-қизга бепул даволаниши учун йўлланмалар ажратилди.

Шундан сўнг тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда аҳоли билан мулоқот давом эттирилди. Унда тумандаги барча қорхона ва ташкилот вакиллари акция иштирокчиларини ўйлантираётган муаммоларни ўз йўналиши бўйича ўрганди. Жумладан, туман бандликка кўмаклашиш марказига 40 дан ортиқ мурожаат келиб тушди ва 14 нафар опа-сингилларимизга ишга жойлаштириш бўйича йўлланмалар берилди. Банк ходимларига 20 дан ортиқ мурожаат бўлди, шундан 4 нафарига кредит олишларида кўмак беришга келишиб олинди.

— Бугун 175 ташкилот ва қорхонадаги 1468 бўш иш ўрни билан хотин-қизларимизни таништиряпмиз, — деди **туман бандликка кўмаклашиш маркази ходими Марям Хайматова**. — Фуқаронинг яшаш манзили, мутахассислиги ёки қўлидан келадиган ҳунар турига қараб ишга йўналтиряпмиз. Уларнинг аксарияти биз тақлиф этаётган иш ўринларидан қониқяпти.

Форум доирасида ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан ҳам хабар олинди.

— Озгина эътибор ҳам кишига катта мадд бўлади, — деди **Елена Харламова**. — Маҳалладошлар, турли ташкилот вакиллари ҳолидан хабар олиб туришди. Улардан миннатдорман. Бир неча йилдан буён мустақил ҳаракатлана олмайдим. Кўчаларни айланишни яхши кўраман. Бунинг учун ногиронлик аравачаси олиш лозим, аммо бунга имкомим йўқ эди. Бугун партия ходимлари ёрдамида ҳомийлар томонидан ногиронлик аравачаси беришди. Жуда хурсанд бўлдим. Энди бемалол кўчаларни сайр қиламан.

Шу кунги партия ходимлари ва мутахассислар «Гулзор» маҳалласида истиқомат қилаётган иккинчи гуруҳ ногирони Мухлиса Мардонова ва «Богзор» маҳалласида яшаётган Муқаллам Икромова хонадониди ҳам бўлишди. Уларга, партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



